

**ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига киритилаётган қўшимча
ва ўзгартиришлар**

1. 7.1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Йўл тўшамасининг умумий қалинлигини ҳисоблашда емирилиш қатлами йўлнинг тўшамаси таркибига киритилади.”.

2. 42-жадвалда:

биринчи позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

I. II	I маркали А, Б, Г турдаги зич ва ўта зич иссиқ асфальтбетон ва полимер асфальтбетон қоришмалари ҳамда чақик тош мастикали асфальтбетон қоришмалари	I маркали ғовак иссиқ асфальтбетон қоришмалар
-------	--	---

”;

Изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Асфальтбетон қоришмалари ГОСТ 9128, ГОСТ 31015 ёки О‘zDSt 3120 талабларига жавоб бериши керак.

2. Бир қатламли қопламалар ва қопламанинг устки қатлами учун кўрсатилган материаллар қабул қилинади.

3. Хўжаликлараро қишлоқ йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари (ички йўллар) бир қатламли қопламалар билан лойихаланганда, ғовак иссиқ асфальтбетон қоришмаларидан фойдаланишга рухсат берилади”.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар
кiritиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ Адлия вазирлигида ҳисобга олинган кундан эътиборан кучга киради.

Қурилиш вазири

Тошкент ш.
2021 йил 15 октябрь,
186 сон



Закиров Б. И.



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN
TARTIBGA SOLISH
SOHASIDAGI NORMATIV
HUJJATLARNING
HUQUQIY EKSPERTIZASI
NATIJALARI BO‘YICHA
X U L O S A**

ШНҚ 2.05.02-07-сон

1. Хужжатнинг тури:

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари

2. Хужжатнинг номи

ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари”га 5-сон Ўзгартириш

3. Хужжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги маълумот

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 15 октябрда 186 сон билан тасдиқланган

4. Хужжат бўйича таклиф ва эътирозлар

Мазкур хужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги

Ушбу хужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) талабларига жавоб беради ва қонун хужжатларига зид эмас.

6. Масъул ижрочи

Ҳукумат баъйномаси қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий експертизадан о‘тказиш бoшқармаси

Хужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

ХУЛОСА:

Мазкур ШНҚга асосан ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига оид қурилиш қоидалари ва меъёрлари халқаро стандартларга мослаштирилаётганлиги сабабли, автомобиль йўллари қопламаси материалларига полимер асфальтбетон қоришмалари ҳамда чақик тош мастикали асфальтбетон қоришмалари қўшилиши кераклиги билан боғлиқ ўзгартириш киритилмоқда.

Шу билан бирга, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари (ички йўллар) бир қатламли қопламалар лойиҳаланганда ғовак иссиқ асфальтбетон қоришмаларидан фойдаланишга ҳам рухсат берилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Тақдим этилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” ги буйруқни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

Глава гос. органа



Davletov R. K.
2021 - yil 29 - oktabr